

## Ҳақларни эгасига қайтариладиган кун



11:06 / 30.06.2020 3037

Жонзотлар, ҳайвонлар дунёда мукаллаф бўлмасалар-да, қиёмат куни шохсиз қўй шохли қўйдан ўч олади. Шундай бўлгач, дунёда мукаллаф бўлган инсонлар ўртасидаги ҳақлар борасида нима деб ўйлайсиз?

Одамларни ўлдирган қотил, одамларга зулм қилган золим, кишиларни алдаган ёлғончи, инсонларнинг ҳақларини еган кимсалар дунёда қочиб юрган бўлсалар-да, охирабда ҳам қочиб қутула оладилар деб ўйлайсизми? Аллоҳга қасамки, асло йўқ! Аксинча, қиёмат куни ҳисоб, ажрим кунидир. У кунда ҳақлар эгаларига қайтарилиб, дунёда хусуматлашганлар ўртасида адолатли ҳукм чиқарилади. У кунда одамларнинг кўз ўнгида ҳақиқатлар юзага чиқади. Ҳар бир жон қилган касбига, амалига яраша мукофот ёки жазо олади. У кунда ҳеч кимга зулм қилинмайди. Ҳеч кимнинг ҳаққи зое бўлмайди. Ҳеч бир мазлум чорасиз қолмайди, ҳеч бир золим ўзини

